

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 71-ҳадис

71 – عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «اقْرَأُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لِأَصْحَابِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Умома розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни:

«Қуръонни ўқинглар. Чунки у (Қуръон) Қиёмат кунда ўқигувчиларига шафеъ бўлади», деб айтганларини эшитдим”.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Қуръони карим- тўғри йўлга етакловчи оламдаги энг буюк Китобдир. Инсон Қуръонни қанча кўп ўқиса, Аллоҳ таолога шунча яқин бўлиб, жаннатдаги даражаси шунча юксалади. Қуръон- унинг тиловат қилувчини жаннатга киргунича муҳофаза, ҳимоя қилади. Лекин уламолар ўша Қуръон тиловати хатосиз ва тўғри ўқилгандагина манфаат беради деб айтишади. Ҳар биримиз Қуръонни тўғри ўқишга ва гўзал суратда тиловат қилишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Қуръони карим Қиёмат куни мусулмонни шафоат қилади.
2. Қуръон тиловати Аллоҳ ҳузуридаги даражаларни юксалтиради.
3. Қуръон тиловатининг фазилати дунё ва охирада юзага чиқади, кўринади.
4. Мусулмон киши Қуръондан оз бўлсада кундалик вазифани ўқишга ҳаракат қилади.
5. Мусулмон киши Қуръони каримни хатосиз ва тўғри тиловат қилишга интилади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI